

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 88 (1866)

4 май, пайшанба, 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

Биринчи Май тантаналари коммунизм қураётган ижодкор халқимизнинг буюк бирлигини, партия ва ҳукулатимизга бўлган чексиз садоқатини яна бир марта намойиш қилди.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Исоният тарихидаги буюк воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи одамнинг — совет халқи жасур фарзанди Юрий Алексеевич Гагариннинг «Восток» йўлдош кемасида космик фазога биринчи марта училиши муваффақиятли амалга оширилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Иттифоқи Министрлар Совети номига жуда кўп табриклар келди.

Табрик телеграммалари ва хатлари мамлакатимизнинг давлат, партия, жамоат ва илмий ташкилотларидан ҳамда айрим граждандардан, чет эллардаги коммунистик ва ишчи партиялардан, давлат, жамоат арбобларидан, фан ва маданият арбоблари ҳамда айрим кишилардан олинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет кишининг жаҳонда биринчи марта космосга училиши муносабати билан совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукулатига юборган табриклари ҳамда яхши тилаклари учун мамлакатимизнинг ва чет элларнинг барча давлат, партия, жамоат ва илмий ташкилотлари, давлат ва жамоат арбобларига, фан ва маданият намояндаларига, ҳамма граждандарига энг самимий миннатдорчилик ва қизгин ташаккур изҳор қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шу нарсаларга чуккур аминдирларки, Совет Иттифоқининг барча халқларини қойил қолдирган бу оламшумул-тарихий ғалабаси кўп авлодлар учун ақл-идрок ва меҳнатнинг дадил қаҳрамонликлари симболи, бутун дунёда мустақкам тинчлик йўлидаги, исониятнинг тараққийоти ва бахт-саодати йўлидаги буюк ишлар симболи бўлиб хизмат қилади.

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ



Москва. Н. С. Хрущев, Ю. А. Гагарин ва Л. И. Брежнев ўрқоқлар 1-майда мавзолей трибуна-
сида. В. Савостянов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



Суратда: Тошкентдаги В. И. Ленин номи Қизил майдонда меҳнаткашларнинг 1-Май намоиши.

ИНСОНИАТНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ—КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ ОЛҒА!

Бу йилги баҳор — ўзгача баҳордир. Етти йиллик учинчи йилнинг ана шу баҳори тарихга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди йили бўлиб киради. Тезорак — атрофимиздаги ҳаёт, рўй бераётган воқеалар жуда катта аҳамиятга эгадир. Совет кишилари коммунизм сари шаклдан ва дадил қадам ташлаб бормоқдалар.

Жонажон Ватанимиз қиёфаси кун сайин эмас, балки соат сайин ўзгариб бормоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида эришилган муваффақиятлар фахрларини туйғуларини тугдиришмоқда. Экинчи ишлари кенг кўламлида авж олдириб юборилди. Ҳозирги вақтда кўриқ даштлари мингмиглаб моторларнинг овози янграмоқда. Бу ерда қўриқ ерларга қилинган ҳужумнинг иккинчи босқичи бошланди. Байрам олди кунлари умумхалқ байрат-ташаббуси билан нишонланди. Тайёрланган ажойиб тухфаларнинг сон-саногини йўқ Фабрика ва заводларда, колхоз ва совхозлардаги меҳнат зафарлари ҳақидаги рапортлар ҳар бир совет кишини етти йиллик планин мўлдатганидигари бажаришга ўз ҳиссасини қўйишга астойдил интилаётганлигини далиллади.

Совет кишининг жаҳонда биринчи бўлиб космосга парвоз қилганлиги халқимизнинг, Ватан фани ва техникасининг чинакам тантанаси бўлди.

Москва байрам либосида. Ҳамма ерда қирмиш алволар, қизил байроқлар ҳилпирайди. Ватанимиз пойтахти Биринчи майни кутиб олади.

Қизил майдон. Байрамнинг юраги — шу ер. Бутун мамлакат, бутун жаҳон шу юракнинг уришини эшитиб турибди. ГУМ биносининг пештоқида Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ильич Лениннинг улкан портретлари турибди. «Коммунизм ғалабаси сари олға!» деган шор чароғон кўзга ташланади. Қардош Совет Социалистик Республикаларининг байроқлари ҳилпираб турибди. Кремль деворида СССР герби ва иттифоқчи республикаларнинг герблари ўрнатилган. Тарих музейи тепасида «XXII» рақами кўзга ташланади. Паннолар, транспарантлар ва диаграммалар партия XXII съезди

шарафига совет халқи қўлга киритган ғалабаларнинг жонли тасвиридир.

Гранит минбарларда завод ва фабрикаларнинг илгөрлари, Москва ва област колхоз ва совхозларнинг донгдор кишилари, фан ва маданиятнинг атоқли арбоблари турибдилар. Улар орасида Ленин мукофоти лауреатлари, СССР, РСФСР ва бошқа иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор. 1 Май байрамини келган ўнларча мамлакатларнинг вакиллари, насаба соев ва совет ташкилотлари томонидан СССРга таълиф қилинган чет эл делегациялари ҳам шу ерда эдилар.

Меҳмонлар орасида Италия, Польша ва Швейцария коммунистик ҳаракатининг ветеранлари, Индонезия Коммунистик партиясининг делегацияси, Индонезия Олий маслаҳат кенгаширининг раиси Руслан Абдулган, Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Саодат бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикаси парламентининг аъзолари, бригада генерали С. Ж. А. Огу бошчилигидаги Гана Республикасининг ҳарбий делегацияси, Куба ёш кўзгочлончилар уюмисининг президенти майор Нюэль Иглесас бошчилигидаги шу уюшма делегациясидан иборат қаҳрамон Куба ёшлари вакиллари ва

бошчалар бор эдилар. Дипломатик корпус аъзолари, ҳарбий атташе-лар ҳозир бўлидилар. Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. А. Мухомин, Н. С. Поляков, М. А. Суевлов, Е. А. Фурцев, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Г. И. Воронов, В. В. Гришин ўрқоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига қўйилганда гулдўрс қарсақлар янграйди. Улар билан биргаликда СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов, Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси ўрқоқ Айдит, СССРнинг биринчи космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, майор Ю. А. Гагарин ҳам ҳозир бўлидилар.

Минбарда Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари ҳам бор эдилар. Ҳарбий парад бошлангач, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали П. Я. Малиновский саф торғиб турган қўшинлари айланиб чиқиб, улар билан саломлашди, байрам билан қўлга ларзаси «Ура» садолари янграйди. Карнайларнинг қорловчи садолари таралади. Мулоффа Министри нуҳ сўзлайди.

моқда. Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида ишчилар сиффи, колхозчи деҳқонлар ва халқ индустриясидаги ишчилар қўқ бўлган мамлакат — эски Россияни кудратли социалистик давлатга айлантиришда ҳамда экономика, фани, маданият ва техника фаворонлигини оширишда мислсиз юксакликларга эришилди. Совет кишиларнинг ижодий интилишлари, уларнинг ёрқин ақл-идроки ва пратувчилик шижоати исониятнинг космосга училиши ҳақидаги асрий орузларни ҳақиқатга айлантирди. Совет халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани. Ленин партиясининг содиқ фарзанди, юртимизнинг ота-бобо ватанпарвари майор Гагарин дунёда биринчи космонавт учувчи бўлганлиги билан фахрланди. Жаҳон тараққийотида янги давр очган ана шу мислсиз жасоратли эркин совет халқининг заковати, совет олимлари, инженерлари ва техникларининг кудратли истеъдоди намоён бўлди. Социализмнинг буюк кучи ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ватанимизнинг шонли ғалабаси барча совет кишиларини меҳнат соҳасидаги янги қаҳрамонона ишларга, етти йилликнинг учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун, коммунизмнинг мустақкам моддий техника баазсини тўқулдга келтириш учун курашга илҳомлантирмоқда.

Коммунистик қурилишда совет халқи эришган жуда катта муваффақиятлар мамлакатимиз ва бутун социалистик лагернинг кучли кудратини мустақкамламоқда, коммунизмнинг жозибдор кучини ҳамда жаҳон социалистик системасининг халқаро тараққийотини бутун жаҳонга таъсирини оширмоқда.

Ҳар бир социалистик мамлакат, бутун социалистик лагернинг кучи ҳамда энгилмаслигининг асосий манбаи коммунистик ва ишчи партиялар, қардош давлатлар халқларининг бирлиги ҳамда жиёлишида, уларнинг марксизм-ленинизм

ғолибона таълимотида садоқатларидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукулати тинчлик ҳамда халқлар ўртасида дўстлик учун сабот-матонат ва изчиллик билан курашмоқдалар, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик тинч-тотув яшаш принциплари асосини яшаш исоният жамияти ҳаётига урушга абадий хотима бермоқ учун ҳамма чораларни қўймоқдалар.

Совет давлатининг ғоят равшан тинчликсевар таълиқи сифати ер шаридати барча одади кишилар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва қизгин маънавийлашмоқда.

Бироқ империалистик давлатларнинг агрессив доиралари халқларнинг оруз-истакларига зид ўлароқ, социалистик мамлакатларнинг тинчлигини сарқаш ҳамда мустақкамлашга қаратилган куч-ғайратларига қарши чиқмоқдалар, халқаро вазиятни соғломлаштиришга тўсқинлик қилмоқдалар.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

Азиз ўрқоқлар!
Жонажон ватандошларим!
Таниш ва нотаниш, яқин ва узоқ азиз дўстлар!

Авалло, мен сизларни меҳнаткашларнинг халқаро байрами Биринчи Май билан, ажойиб баҳор ва шодлик байрами билан қутламоқчиман.

Сизларни чин қўнғилдан табриклияман, чин қалбимдан ҳамма-ларингизга сўйат-садоқатлик ва бахт-саодат тилайман. Баҳор! Қандай ажойиб пайт! Тўғрими, дўстлар? Баҳор! Фаслада бутун табиат янгилади. Гуллайди, одамга эса баҳор янги орузлар, янги умидлар бағишлайди, унинг олдида янги равшан уфқлар очиб беради. Биринчи Май баҳори байрам — қалби соф, қўнғил очик, юраги жўшқин кишиларнинг байрамидир! Ҳаётини севадиган, ер юзидagi ҳамма меҳнаткашлар учун ҳаётини гузал қилишни истайдиган кишиларнинг байрамидир. Шу мақсаддан ҳам олижаноброқ ва улутроқ нарсалар бўлиши мумкинми?

Биз, совет кишилари бу мақсад сизлар билан бизларнинг мақсалимиз бўлганлиги билан фахрланамиз. Ўрқоқлар. Бу мақсалим исониятга улут Ленин кўрсатиб берди ва ўз даҳоси билан унга эришиш йўлини ёритди. Совет кишилари ана шу олижаноб мақсад йўлида, абадий баҳор йўлида, бутун ер юзида бахт-саодат йўлида — коммунизм йўлида меҳнат қилмоқдалар, қаҳрамонлик кўрсатмоқдалар. Ўз қалбларидagi энг порлоқ энг яхши интилишларини унга бағишламоқдалар.

Бугун, байрам кунинда мен космосга парвоз қилишимга бир неча минут қолган пайтдаги туйғуларим ҳақида яна бир марта гапириб беришни истайман. Булар қандай туйғулар эди: фахр, қувонч ҳисларими? Ҳа, албатта шундай. Биринчи бўлиб космосга учиб, табиат билан яқинлаша-учиришимдан ҳам ортиқ нарсани оруз қилиш мумкинми, ахир?

Ленин бутун қалбим сезиб турган буюк ишонч — партиянинг,

ЮРИЙ ГАГАРИН
(Москва радиоси орқали сўзлаган нутқ)

Халқимизнинг ишончи менинг учун энг катта бахт бўлди. Ўша вақтда эрт-олдидан сўнги дақиқаларда мен «Бу буюк ишончини оқлашга тайёриман. Ватан ишониб топширган учинчи энг яхши бажариш учун бутун кучини, бутун йроданин сафарбар қила олсамми» деб яна бир марта ўзимга фикран савол бердим. Жавабим қатъий эди: «Ҳа, тайёрман, қолдирман ва бажараман».

Ўша пайтда шунчалик ишончининг сабаблари ҳақида фикр юриштига вақт бўлмади. Мен қабинага чиқиб ўтирдим, учиб бошланди ва менинг ишим ҳам бошланди — учирининг ўзи иш эди. Ленин ҳо-жирани кўриш билан кўп нарсаларни аниқли қилиб чиққангидан кейин мен бу ишончининг тасдиқий эмаслигини, балки таъминоти қонуний эканлигини аниқладим. Одамдаги асосий куч — рухий куч-ку, ахир. Бу рухий кучини бизга партия бериб турибди. Совет кишини ёшлик чоғидан буюк идеаллар, олийжаноб интилишлар руҳида, ҳулас, коммунистик ахлоқ деб аталган руҳда тарбияланади.

Ана шуларнинг ўзи бизга қудратли рухий куч беради. Қудратли ҳаётимизда биз бундай кучнинг қандай келиши ва тўпланганини кўпчица ўзимиз ҳам сезамиз. Аммо пайти келганда бу куч рўй-роба чиқади. Менинг билан ҳам шундай бўлгандир. Афтидан, Улут Ватан урушининг қаҳрамонлари ҳам ўзларини шундай ҳис қилган бўлсалар керак, афтидан, қўриқ ерларини ўзлаштириш учун, мамлакатимиз Шарқда янги завод, фабрика ва шахарлар қуриш учун жу-наб кетган юз минглаб қўнғилли космонавтлар ҳам худди шуни ҳис қилган бўлсалар керак.

Ватанга, халққа фойда келтириш — катта бахдир. Бизнинг


афр бериб қуролланишнинг давом эттирмоқдалар. Ғарбий Германия-ни Европада уруш хавфининг асосий ўчоғига айлантирмоқдалар. Улар Африка, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларига тобора ўсиб бораётган миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун да-бадам уруш ҳаракатларига ўтмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари империалистик доиралари томонидан озод Кубага қарши уюштирилган қуролли интервенция масъулият-сиз ҳамда хатарли оқибатлар келти-риб чиқарадиган сисвасатнинг да-лили бўлди. Маълумки, бу интер-венция Куба халқининг қаҳрамо-на сабот-матонати натижасида шармандаларча барбод бўлди.

Мана шундай авантюраларнинг ишчибозлари шунинг эсларида ту-тишлари керак эдики, барча мам-лакатлар меҳнаткашларининг қуд-ратли бирдамлиги, Совет Иттифо-қи ва бутун социалистик лагер-халқларининг самимий ва бегараз хайрихоҳлиги империалистик асо-ратга қарши, ўз озодлиги ҳамда мустақиллиги учун курашга отлан-ган халқлар томонидан.

Совет Иттифоқи ғарбдаги дав-латларнинг янги ҳарбий тайёрга-рикларига эътибор бермасдан қола

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)



Ватанимиз пойтахти Москвада 1-майнинг байрам қилиниши. Сур атларда: 1. Қизил майдонда Москва гарнизони қўшинларининг па-
ради. 2. Меҳнаткашлар намоиши. В. Кунов ва Н. Ситников фотолари (ТАСС фотохроникаси).

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)



А. Абалян фотолари

ТИНЧЛИКНИНГ ШОНЛИ КУРАШЧИЛАРИ

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ 4 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

